

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ҚАНД ЛАВЛАГИ НАВЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Мирахмедов Фахриддин Шахобиддинович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
катта ўқитувчиси

Усмонов Мирзохид Собиржон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Сатторов Илғоржон Илхомжон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Қанд лавлаги селекционерларнинг меҳнати натижасида пайдо бўлган. Қанд лавлаги икки йиллик илдиз экини бўлиб, асосан шакар учун етиштирилади, лекин уни чорва озукаси учун ҳам етиштириш мумкин. Биз ушбу тезисда навларни муҳим биологик хусусиятлари ҳамда ташқи экологик омилларга бўлган талабини ёритишни асосий мақсад қилиб олдик.

АННОТАЦИЯ

Сахарная свёкла появилась в результате работы селекционеров. Сахарная свёкла — двулетнее корнеплодное растение, возделывается в основном для получения сахара, но может также возделываться для корма животным. На этом тезисе наша главная цель — выделить важные биологические свойства этих сортов и их требовательность к факторам внешней среды.

Калит сўзлар: Қанд лавлаги, илдизмева, ҳосилдорлик, центнер, вегетация даври, нав, дурагай, шакар.

Мамлакатимиз дала экинлари орасида пахта ва кунгабоқар ўсимликлари сингари қанд лавлаги ҳам муҳим техник экин ҳисобланади. Қанд лавлаги-нафақат мамлакатимизда балки бутун дунёда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ёш маданий ўсимликлар қаторига киритилади. Чунки 19-асргача саноатда шакар фақат шакар қамиш ўсимлигидан олинар эди. Европада фан техникани юксалиши ва шакар ишлаб чиқаришни муқобил



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

вариантини излаш зарурати сабабли қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. 19-асрнинг охирларига келиб Ўзбекистонда ҳам қанд лавлагини парвариш қилиш қишлоқ хўжалик соҳасига кириб келди. Лекин қанд лавлаги навларини шакар олиш мақсадида кенг майдонларга экиш Республикамиз мустақил бўлганидан кейин, 1990-йиллар охирида озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш дастури асосида йўлга қўйилди[1].

Қанд лавлаги — қанд-

шакар саноати хом ашёси ҳисобланади. Унинг чиқиндилари чорва молларига ем сифатида ишлатилади. Экилган йили таркибида 14—20% (баъзида 24% гача) қанд бўлган илдизмева, ўртача оғирлиги 300—600 грамм бўлади. Қанд лавлаги иссиқсевар ва нам-севар, қурғоқчиликка чидамли[2].

Хозирги кунда қанд лавлаги АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Германия каби мамлакатларда катта майдонларга экилмоқда. Ўзбекистонда асосан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида етиштирилади. Жаҳон бўйича қанд лавлаги ялпи экин майдонлари 6,7 миллион гектарни ташкил этиб, ўртача ҳосилдорлик 392 ц/га, ялпи ҳосили 263 миллион тоннага етди. Ўзбекистонда қанд лавлагини Ариана, Садо, Касандра F1, KWS UZB 7291 ва бошқа нав ҳамда дурагайлари экилади[4].

Биз Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган, Давлат реестрига киритилган 10 та қанд лавлаги навларини танлаб олиб, фарғона водийси тупроқ-иқлим шароитида уларни ҳосилдорлигини ва биологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида Қува туманидаги “Ақромжон далалари” фермер хўжалигида дала тажрибасини ўтказдик. Дала тажрибаси 2020 йили 0.5 гектар майдонда 4-қайтариқда, 2-ярусда олиб борилди. Тажрибамизда 10 та қанд лавлаги нав ва дурагайлари 10 вариантга жойлаб, ҳар бир вариантни эгаллаган майдони 500 метр квадратни, бир делянкани эгаллаган майдони 125 м² ни ташкил этди.

Қанд лавлаги ўсимлиги 2 йиллик ўсимлик бўлиб, биринчи йили уруғи экилганда вегетация даври охирига унинг илдиз меваси пишиб етилади. Кейинги 2-йили илдиз меваси ерга экилиб ўсув даври охирида унинг уруғлари ҳосили йиғиб олинади. Биз дала тажрибамизда фақат илдиз меваларни шаклланиши ва таркибида шакар тўплаш даражасини аниқлаш учун, қанд лавлаги уруғларини экиб, фақат ўсимликларни биринчи йилги ўсиши ва ривожланишини ўрганиш мақсадида фенологик кузатувлар олиб бордик.

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Далада ҳарорат 20 °C га етганда барча вариантдаги намуна уруғларини пушталарга экдик ва суғориш тадбирларини ўтказдик. Барча вариантлардаги уруғларни униб чиқиш динамикаси бир хил муддатда, яъни 14-15 кунда экани аниқланди.

Қанд лавлаги экин майдонларида энг кўп учрайдиган касалликлар церкоспороз, кул, нематода ҳисобланади. Ушбу касалликлар қатор ораларига сифатсиз ва нотўғри ишлов берилганида тушади. Навларни касалликларга чалиниш даражаси ўрганилганда “Лара”, “Цериз” навлари бошқа вариант ўсимликларига нисбатан чидамли экани кўринди. Касалликларга қарши 0,3 литрли “Деразол” препаратини бир гектар ҳисобига 300 литр сув ҳисобида сепилди.

Тажриба майдонимизда қатор оралари 60 сантиметр бўлиб, дастлабки ишлов бериш тадбирлари қуйидагилар бўлди:

- 1) Қатқалокни юмшатиш.
- 2) Ягана қилиш.
- 3) Қатор ораларига ишлов бериш.

Яганалаш тадбирида ҳар бир вариантда режалаштирилган 100-110 минг/га кўчат қолдирилди. Маъдан ўғитларни мамлакатимиз лавлаги майдонларида қабул қилинган меъёрларда N₂₀₀, P₁₅₀, K₁₀₀ кг/га ҳисобида берилди.

Ўсимликларни барг сони ўрганилганда “Ариана”, “Сермо” ва KWS UZB 7291 навларида энг кўп 25-27 тагача кузатилди. Аксинча “Лара”, “Цериз” навларида барглар сони бир туп ўсимликда 16-17 экани аниқланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, қанд лавлаги намсевар ўсимлик бўлгани учун ҳам, суғориш тартибларини юқори бўлиши юртимиздаги кўплаб тажриба ва фермер хўжалиги майдонларида ўсимликларда баргини сони ва илдизмева ҳосилдорлиги энг баланд даражада экани кузатилган.

Қанд лавлаги пишиб етилганда барглари сарғайиб, қурий бошлайди, йирик барглар йўқолиб майда барглар ҳосил бўлади. Бизнинг тажриба майдонимизда экилган лавлагининг “Дрена” ва “Цериз” навларида биринчи бўлиб сентябрь ойининг охири кунларида барглар қуриши бошланди. Энг охири бўлиб октябрь ойининг ўрталарида энг юқори илдизмева ҳосилини берган “Сермо” 310 ц/га, “Жоззепе” F1 300 ц/га ва “Ариана” 285 ц/га навларида барглар қуриб вегетация даври тугаллангани қуйида келтирилган жадвалдан кўриш мумкин.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ўрганилган қанд лавлаги вариантлари ичида “Дрена”, “Садо”, “Элдона” навлари далада парвариш қилинган бошқа навлардан касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича паст натижаларни кўрсатган бўлсада, уларнинг технологик ва товар кўрсаткичлари юқори экани лаборатория таҳлил натижаларида аниқланди.

Жадвал-1 Қанд лавлагини районлаштирилган навлари тавсифи

Навнинг номи	Давлат коди	Давлат реестрига киритиш йили	Ўзбекистон ҳудудида экишга тавсия этилган ҳудудлар	Илдизмева таркибидаги шакар миқдори (%)
Ариана	DE	2001	3-13	15
Дрена	SR	2015	11	16
Касандра F1	DE	2002	1-13	14,5
Лара	SR	2015	11	14
Садо	UZ, DE	2002	1-13	17,5
Сермо	FR	1998	1-6, 8,10,13	14
Цериз	FR	1998	2, 3, 5, 9-12	16
Жоззепе F1	DE	2002	1-13	14
Элдона	UZ, DE	2002	1-13	18
KWS UZB 7291	UZ, DE	2003	3, 11	15

Изоҳ

	Юқори ҳосилдор вариантлар
	Касаллик ва зараркунандаларга юқори бардошли вариантлар
	Технологик ва товар кўрсаткичлари юқори бўлган вариантлар

Айниқса Фарғона водийси шароитида “Элдона” нави илдизмева таркибидаги 18% ва “Садо” навида 17,5% шакар миқдори тўплагани учун, уларни маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос навлар эканини таъкидлаб, улардан селекция майдонларида янги қанд лавлаги нав ва дурагайлари яратишда фойдаланиш катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th April, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Атабаева Х.Н. ва бошқ. Ўсимликшунослик. Тошкент. “Меҳнат”.2000.
2. Бўриев Х.Ч., Атабаева Х.Н. Қанд лавлаги етиштириш технологияси. Тошкент. Кибрай 1992.
3. Гуляев Г.В., Гужов Ю.Л. Селекция и семеноводство полевых культур. Москва, изд.Агропромиздат, 1987.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент. 2020 й.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

